

“Беруний пахта тозалаш” АЖ  
акциядорлари диққатига

**ЭЪЛОН**

“Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 16 октябрда ўтказилган умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш (“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖни “Беруний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш) тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан ўзингизга тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилиш ҳуқуқингиз мавжудлиги тўғрисида хабар берамиз. Акциялар бозор қийматида 36828 сўмдан қайтариб сотиб олинади (“Беруний пахта тозалаш” АЖнинг бир дона акцияси “XORAZM EXPERT BAHOLASH” МЧЖ баҳоловчи таъкилоти томонидан 36828 сўмга баҳоланган). Акциялар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40 ва 41-моддаларида белгиланган тартибда қайтариб сотиб олинади. Акциядорлардан акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi бўйича талабномалар (аризалар) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Кат кўчаси рақамсиз-уй.

Акциядорлар томонидан талабномалар белгиланган муддатда (акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан **ўттиз кундан кечиктирмай**) жамиятга тақдим этилган тақдирда, томонлар ўртасида акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича шартнома расмийлаштирилади.

**Эслатма:** Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40-моддасига мувофиқ, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақлидир.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 41-моддасига мувофиқ акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан **ўттиз кундан кечиктирмай** жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтирилаётган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олиш талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги **жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан** ошиб кетиши мумкин эмас. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инобатга олинган ҳолда жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга **мутаносиб равишда** қайтариб сотиб олинади.

Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчаси рақамсиз уй,  
электрон почтаси: beruniypaxta@umail.uz